

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА*

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашини кучайтириш, шунингдек, меҳнатига кам ҳақ тўланадиган ходимлар иш ҳақи миқдорини жадал равишда оширишни таъминлаш мақсадида:

1. 2018 йилнинг 1 ноябидан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилсин.

2. 2018 йилнинг 1 ноябидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 202 730 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 396 500 сўм; болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 396 500 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 243 300 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилансинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2018 йилнинг 1 ноябидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг куйи разрядлари тариф коэффициентларини ўртача 10 фоизга, шу жумладан, 1-разряд бўйича 15 фоизга, 2-разряд бўйича 10 фоизга ва 3-разряд бўйича 5 фоизга ошириш орқали меҳнатига кам ҳақ тўланадиган ходимларнинг иш ҳақи миқдорининг жадал равишда оширилишини кўзда тутган ҳолда 2019 йил 1 январдан Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ҳисобидан сақланадиган ташкилотларда банд бўлган универсал касблар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга доир разрядларни танқидий кўриб чиқсин ва 2019 йил 1 январидан уларнинг янгиланганларини жорий этсин;

халқаро молиявий институтлар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг унинг натижалари, бажарилаётган меҳнат функцияларининг мураккаблиги ва масъулияти билан янада узвий боғлиқлигини таъминлашни назарда тутадиган Бюджет ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқишини ва 2019 йил 1 сентябрга қадар муддатда киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган ташкилотлар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

6. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин. Ҳўжалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотларга иш ҳақининг қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини энг кам иш ҳақига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ депутатлари кенгашларига мазкур Фармоннинг қабул қилинишидан сўнг қўшимча харажатларни қоплаш учун тегишли бюджетлар параметрларига ўзгартириш киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-5469-сон Фармони унинг 6-банди истисно қилинган ҳолда 2018 йилнинг 1 ноябидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2018 йил 13 октябрь
ПФ-5553-сон.

*Ўшбу Фармон president.uz сайтида эълон қилинган.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

Хусусийлаштириш соддалаштирилди, куну тун ишлайдиган савдо, кўнгилочар ва умумий овқатланиш зоналари ташкил этилади

Президентнинг 11.10.2018 йилдаги «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

2019 йил 1 апрелга қадар эксперимент ўтказилади, унинг доирасида Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлигига қўшимча ваколатлар берилади.

Биринчидан, бўш турган давлат кучмас мулк объектларини уларни баҳоламасдан, 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда «E-IJRO AUKSION» орқали инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган ҳолда ўрнатилган тартибда сотиш (жумладан, Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгаши қарорларига асосан).

Бу таълим (шу жумладан, мактабга таълим) муассасаларига, соғлиқни сақлаш ва спорт объектлари, маданият объектларига дахл қилмайди, улар фақат давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларига берилади, бунда тегишли вазирлик ёки идора давлат томонидан шерик бўлади. Фаолият йўналиши бўйича фойдаланилмаётган ва улар бўйича ДХШ ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган объектлар бундан мустасно ҳисобланади.

Президент, Вазирлар Маҳкамаси ёки маҳаллий ҳокимият қарорларига асосан аввал савдоларга чиқарилган давлат мулки объектлари:

➤ Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари (Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари) томонидан аниқланган кўчмас мулк объектлари инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган ҳолда — 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда;

➤ бошқа давлат кучмас мулк

объектлари бўйича — қайта баҳолабмасдан, уларни ўтказиш кучидаги савдоларда шаклланган нархда «E-IJRO AUKSION»га ўтказилади.

Иккинчидан, инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун аукцион ўтказмасдан, инвестор билан тўғридан-тўғри музокаралар орқали ер участкаларини бериш ва бўш турган давлат кучмас мулк объектларини сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш. Бу ерда ҳам инвестициявий (камида 1 млн АҚШ доллари эквивалентлида) ва ижтимоий мажбуриятлар белгиланади. Бундай қарорлар дастлаб Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларида кўриб чиқилади ҳамда тасдиқланади.

Учинчидан, «E-IJRO AUKSION»-да аукционга чиқариш учун ер участкаларининг жойлашган ҳудудидан келиб чиқиб, Молия вазирлиги, ДСҚ ва «Давергеодезкадастр» қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари (вилоят даражасида) тавсияларига асосан, ҳар бир туман бўйича бўш ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг (0,01 га майдони учун) бошланғич баҳосини ҳар чоракда тасдиқлаш.

Тўртинчидан, 3 йилдан ортиқ муддат давомида тупроқ бонитировкаси ишлари олиб борилмаган 3 гектаргача бўлган майдонга эга ер участкаларида тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига тупроқ бонитировкаси ишлари буюртмачиси бўлиш.

Бешинчидан, «E-IJRO AUKSION» орқали:

➤ суғорилмайдиган ерлар тоифасига кирадиган ер участкаларидан вақтинча

2-бетда

Ўшбу
сонда:

3-БЕТ

Уй дафтарини
паспортиска тиклайди

5-БЕТ

Иш жойи транспортда қатнаш жиҳатидан
қулайлигининг иккита аломати

6-БЕТ

ЙҲҚ бузилиши қайд этилган
видеоёзув учун — ЭКИҲнинг 5%и



Хусусийлаштириш соддалаштирилди, куну тун ишлайдиган савдо, кўнгилочар ва умумий овқатланиш зоналари ташкил этилади

фойдаланиш ҳуқуқини тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун инвестициявий (камида 1 млн АҚШ доллари эквивалентиди) ва ижтимоий мажбуриятлар белгиланган ҳолда 50 йил муддатга сотиш;

➤ халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларида тутах ҳудудлардаги ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини уларнинг тоифаларидан қатъи назар, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича йўлбўйи ва туристик инфратузилма объектларини ташкил этиш учун сотиш. Сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасига кирувчи ер участкалари кўрсатилган мақсадлар учун фақат Тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича комиссия билан келишилган ҳолда берилади.

Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалиги экин ерлари таркибига кирмайдиган, фойдаланилмасдан турган ер участкалари инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун бу субъектнинг ер участкаси ўлчами ва чегараларини унинг раҳбари розилигисиз ўзгартирган ҳолда олиб қўйилиши мумкин.

Олтинчидан, Нукус шаҳри, вилоятлар марказлари ва сайёҳлар ташриф буюрадиган бошқа жойларда савдо-кўнгилочар ва умумий овқатланиш объектлари фаолиятини тунги вақтда чеклашга йўл қўйилмайдиган

зоналарни аниқлаш. У ерда ИИО ва Миллий гвардиянинг жамоат тартибини сақлаш кучларининг 3 сменали режимдаги патрули таъминланади, шунингдек, мазкур зоналарда сайёҳлар учун дам олишни ташкил этиш дастурули тасдиқланади.

Эксперимент чоғида давлат кўчмас мулк объектлари учун хусусийлаштириш комиссияси ишининг умумий муддати у ташкил этилган пайтдан бошлаб 20 кундан ошмайди. Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг миқдори ва турлари давлат мулки объектларини сотиш бўйича танлов ўтказишда ўрнатилган тартибни ўхшашли бўйича қўллаш асосида Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари томонидан белгиланади.

Давлат кўчмас мулк объекти бўйича олди-сотди шартномаларини тузиш савдо натижалари (музокара-лари) бўйича баённома имзолангандан сўнг 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади, мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери эса сотиб олиш тўловлари ва пеня (юзага келган тақдирда) тўлиқ ҳажмда тушган кундан бошлаб 5 кун ичида берилади. Тасарруф этиш ҳуқуқи эса, харидорга инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар тўлиқ бажарилган (улар белгиланган тақдирда) деб топишган ва пеня (юзага келган тақдирда) тўлиқ ҳажмда тўланган кундан бошлаб берилади.

Балансда сақловчи олди-сотди шартномаси харидор томонидан тақдим этилган кундан бошлаб 5 кун ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилишини ва сотилган объектнинг харидорга топширилишини таъминлаш шарт.

Қуйидаги тўлов турлари бекор қилинади:

➤ давлат мулки объектларини хусусийлаштириш-га буюртманомга берганлик учун Давлат рақобат қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармаси-га ЭКИХнинг 3 баравари миқдорида тўланадиган йўғим;

➤ мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордерини берганлик учун давлат бож.

Бундан ташқари, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимларининг қарорларига асосан сотиладиган давлат мулки объектларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, шунингдек, Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш назорати инспекцияси томонидан давлат объектларини сотишга тайёрлашда ҳулосалар берилиши Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва тегишли маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳужжат «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган ва 12.10.2018 йилдан кучга кирди.

Электрон ҳисобварақ-фактуралар босқичма-босқич жорий этилади

Вазирлар Маҳкамасининг 6.10.2018 йилдаги «Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 807-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ эксперимент ўтказилади – айрим минтақалардаги барча хўжалик юритувчи субъектлар товар-транспорт юкхатлари ва ТМБни олиш учун ишончномалар вазифаларини мужассамлаштирган электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштиришлари шарт. Бунда параллель равишда ушбу ҳуж-

жатларнинг қоғоздаги нусхаларини расмийлаштиришга йўл қўйилади.

Эксперимент Чирчиқ шаҳрида (Тошкент вилояти), шунингдек Навоий ва Сирдарё вилоятларида ўтказилади.

Эксперимент 2018 йил 15 октябрдан бошланади.

Унинг натижалари бўйича ушбу механизмни бутун мамлакат бўйлаб жорий этиш юзасидан таклифлар 2019 йил 1 февралга қадар киритилиши лозим.

Ахборот коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг эксперт ҳулосасини олган ташкилотлар – электрон ҳужжат алмашиш операторлари электрон ҳисобварақ-фактураларнинг электрон айланиши ва сақлиниши таъминлаш бўйича хизматларни амалга оширишлари мумкин (аввалига уларни сертификатлаштириш (аккредитациялаш) режалаштирилган эди, тахр.).

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 7.10.2018 йилдан кучга кирди.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Кенгаш қандай солиқ низоларини кўриб чиқади

Вазирлар Маҳкамасининг 9.10.2018 йилдаги 812-сон қарори билан Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) тўғрисидаги низо ҳамда Кенгаш таркиби тасдиқланди.

Эслайтиб ўтамиз, Кенгаш Президентнинг 26.06.2018 йилдаги ПҚ-3802-сон қарори билан ташкил қилинган ва унга қуйидаги учта вазифа юкланган:

- солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашда низоли масалалар юзасидан ҳулосалар чиқариш;
- солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлашда солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасида юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш;
- солиқ низоларини кўриб чиқиш жараёнида аниқланган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш.

Кенгаш таркибига молия вазирининг ўринбосари раислигида ССП раисининг ўринбосари, ДСҚ раисининг биринчи ўринбосари, адлия вазирининг биринчи ўринбосари, Солиқ маслаҳатчилари палатаси бошқарув раиси, Аудиторлар палатаси ҳамда Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси кенгашлари раислари, Бухгалтерлар федерацияси бошқаруви раиси, Адвокатлар палатаси раиси вазифасини бажарувчи киритилди.

Солиқ низолари, солиқ солиш объектларини аниқлаш, солиқ солинадиган базани ҳисоблаш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини қўллаш, солиқ имтиёзларини қўллаш билан боғлиқ келишмовчиликлар кўриб чиқиш учун Кенгашга юборилади. Кенгаш:

➤ кўзгатишган жиноят ишлари доирасида ўтказилаётган солиқ текширувлари бўйича;

➤ солиқ тўловчи солиқ низолари бўйича давлат солиқ хизмати органлари қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилган ҳолларда низоларни кўриб чиқмайди.

Яна иккита муҳим жиҳат шундаки:

а) Кенгаш ДСҚнинг Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси томонидан аввал кўриб чиқилган, кўриб чиқиш натижалари солиқ низолини ҳал қилиш учун Кенгашга мурожаат қилган солиқ тўловчи, солиқ агенти ва (ёки) солиқ тўловчининг вакилини қониқтирмаган ёки қисман қониқтирмаган солиқ низоларини кўриб чиқиш учун қабул қилади;

б) Кенгашнинг келишмовчиликларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳулосалари тасвир функциялари, Бундан ташқари, мазкур органнинг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил қилиш тартиби белгиланди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 9.10.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

• УСТУВОРЛИКЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони **1-бет**
- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-2-бетлар**
- **ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ**
- Реал вақт режимида
- Ўқишга кетишдан аввал

– Тикланиши лозим

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Ишига нолойиқ бўлиб қолганда қандай қилиб ишдан бўшатиш мумкин
- Меҳнат шартлари ва уларни ўзгартириш сабаблари
- Чет эллик ходимни ишга қабул қилишга доир талаблар
- Муайян ҳолатлар сабабли ишдан бўшатиш

3-бет

– Мақбул келадиган ишнинг «транспортда қатнаш жиҳатидан қўлайлиги» нимани аниқлатади **4-5-бетлар**

• АВТОНОРМА

- Газ баллонли автомобиллар яппи хатловдан ўтказилади
- Далил-исботлар учун пул билан рағбатлантириш
- Камера нигоҳи остидасиз

– Автовокзаллар – эътибор зонасида

- Йўлларда велосипедчилар учун махсус йўлқалар барпо этилади
- Йўлдаги радарлар тунги вақтда ҳам ишлай бошлади **6-7-бетлар**
- **СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ**
- Она ўғлининг қарзини тўламайди
- Истеъмолич танафли
- Ворис бўлишга ҳақли **8-бет**

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Реал вақт режимида

1.01.2019 йилдан нотариуслар бармоқ изларини сканер қилишни бошлайди, 17-шакл талаб қилинмайди. ВМнинг 14.09.2018 йилдаги 733-сон қарори билан тасдиқланган тегишли регламентларда (1, 2-илловалар) ана шулар қайд этилган.

Кўрсатилган санадан бошлаб нотариуслар нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахсларнинг бармоқ изларини мустақил равишда сканер қилишлари ва уларни паспортдаги (фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатидаги) биометрик маълумотлар билан солиштиришлари мумкин бўлади. Бунинг учун ички ишлар органлари билан ўзаро электрон ҳамкорлик ташкил қилинади. Жараён нотариал ҳаракат турига қараб 15–30 дақиқа ичида амалга оширилади.

Бундан ташқари, турар жой олди-сотида шартномасини расмийлаштиришда фақат кўчмас мулкка эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда кадастр йиғмажилди, шунингдек паспорт ёки шахсни

тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этиш сўралади. Доимий пропискада бўлган шахслар ҳақидаги маълумотнома талаб этилмайди. Тегисли маълумотларни нотариуслар ички ишлар органларига сўровнома юбориш йўли билан мурожаат қилинган пайтдан бошлаб 20 дақиқа давомиди олади.

Сўровномани юбориш усулига боғлиқ ҳолда жавоб куйидагича олинади:

➤ курьерлик хизмати орқали юборилса – 1 соат ичида;

➤ идоралараро электрон тизим орқали юборилса – реал вақт режимида.

Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини нотариал тасдиқлаш ҳам умуман тезлаштирилади. Бундай имконият нотариусларга ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасидан бино ва иншоотларнинг тегишлилиги ва таркиби, кадастр рақами ва умумий (яшаш) майдони ҳажми, кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ ва хатлов мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотларни мустақил равишда сўраб олиш (курьер ёки электрон тизим орқали) ва-



колати тақдим этилиши боис юзга келади. Битимни расмийлаштириш барча зарур ҳужжатлар олингандан кейин 30 дақиқа ичида амалга оширилади.

Қайд қиламизки, Тошкент шаҳрида мазкур маълумотлар нотариал идораларга онлайн-режимда тақдим этилаётир.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 17.09.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Ўқишга кетишдан аввал

Мен бўлажак талабаман, виза ва рухсатномалар бўлими учун маълумотномани олмоқчи бўлганимда ҳарбий комиссариатдагилар инглиз тилидаги хорижга чиқиш учун асосни давлат тилига таржима қилиб, нотариал тасдиқлаш зарур эканлигини айтдилар.

Ҳарбий комиссариатнинг ходимлари ҳақлими?

– Мудофаа ишлари бўлими ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари тўғри. 17 ёшдан 27 ёшгача бўлган, чақирув участкасига бириктирилган ва ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга қақирладиган ҳарбий хизматга мажбур фуқаролар, сафар мақсадидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш имкони тўғрисида мудофаа ишлари бўлимлари томонидан берилган тегишли маълумотномани тақдим этадилар.

Улар турар жойи 1,5 ойдан кўпроқ муддатга ўзгарган, 3 ойдан кўпроқ муддатга хизмат сафарига, ўқиш, таътил ёки даволанишга борган тақдирда турар жойларидаги ҳарбий рўйхатдан чиқишлари лозим. Янги турар жойга (доимий ёки вақтинчалик) келганларидан кейин 3 кунлик муддат ичида ҳарбий рўйхатдан ўтишлари шарт («Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг 44-моддаси).

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юртилади («Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 9-моддаси).

Шу тариха, мудофаа ишлари бўлими ходимлари хорижга чиқишга рухсат берувчи маълумотномани беришлари учун давлат тилига таржима қилинган хорижга чиқишдан мақсадни кўрсатувчи ҳужжатларни тақдим этишни тўғри талаб қилганлар.



Онамнинг вафотидан сўнг мен прописка қилинган Тошкентдаги квартира мерос бўйича менга ўтди. Онам ҳаётлигида бу квартирага хотиним ва иккала ўғлимни пропискадан ўтказган эдим. Онам вафот этгандан сўнг ярим йил ўтгач қизлик бўлдим, уни ҳам пропискадан ўтказмоқчи бўлдим, бироқ уй дафтарини топа олмадим. Паспортистка бошқа ҳужжатлар қатори уй дафтарининг асл нусхасини (фақат ксеронусхаси бор) олиб келмаганимча уни пропискадан ўтказишдан бош тортмоқда.

Унинг талаби қонунийми? Уй дафтари керак бўлса, уни қаерда ва қандай тиклаш мумкин?

Исатиллаев. Тошкент ш.

Тикланиши лозим

– Президентнинг «Ўзбекистон Республикасидан паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида (26.02.1999 йилдаги ПФ-2240-сон) ва Идоралараро комиссиянинг 21.11.2015 йилдаги турар жой объектларини мониторингдан ўтказиш ҳамда уларда прописка қилинган ва ҳақиқатда истиқомат қилувчи фуқароларни қайд этиш тўғрисидаги баён-носининг 2-бандига мувофиқ, Тошкент шаҳрида жойлашган мулкчилик шаклидан қатъи назар турар жой объектидаги хонадонда рўйхатга олинган шахсларни қайд этувчи уй дафтарларини жорий этиш зарурати тўғрисида ҳокимнинг 11.12.2015 йилдаги 1088-сон қарори қабул қилинган.

Шу қарорнинг ўзида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан Тошкент шаҳридаги турар жой объектларининг уй дафтарларини жорий этиш ва юритиш тартиби тасдиқланди. Бунда туман ҳокимликларига пойтахтдаги барча турар жой объектларини уй дафтарлари билан таъминлаш ва «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда уларни жорий этиш бўйича аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Шунингдек ушбу қарорда яқка тартибдаги турар жой эгаларининг мавжуд уй дафтарларини янгиллаш ҳамда кўп қаватли уйларнинг рўйхатдан ўтказиш жур-



наллари ўрнига уй дафтарларини юритиш юзасидан топшириқ берилди.

Тошкент шаҳридаги маҳаллаларнинг барча фуқаролар йиғинларида паспортистнинг 1 штат бирлигидан жорий этилди. Айни улар паспорт тизими масалалари билан шуғулланишлари лозим (Тошкент шаҳар ҳокимининг 11.12.2015 йилдаги 1089-сон қарори). Айни пайтда маҳалла паспортисти тегишли ички ишлар органининг ходими иштирокида ва назорати остида паспорт тизими, шу жумладан янги намунадаги уй дафтарларини расмийлаштириш масалалари юзасидан фуқароларни қабул қилади.

Маҳалла паспортистининг асосий вазифалари-га қуйидагилар киради:

➤ кўп қаватли ҳамда яқка тартибдаги уйларда яшовчиларнинг рўйхатини шакллантириб бориш;

➤ доимий прописка қилинган ва рўйхатга қўйилган фуқаролар тахлилини юритиш, аниқланган ҳар бир ноқонуний ҳолат юзасидан тегишли ички ишлар органига ахборот бериш;

➤ ҳарбий хизматга мажбур, ҳарбий хизматга чақиртирилган ҳамда чақиртирилиши лозим бўлган фуқароларнинг ҳисобини олиб бориш;

➤ уй дафтари, қайд этиш картчаси, хонадонлар бўйича картчакани (Ф-4, Ф-5) юритиш, уларни умумлаштириш ва сақланишини таъминлаш.

Шу сабабли уй дафтарини тиклаш учун маҳалла паспортистига мурожаат қилинг, у сизга янгисини расмийлаштириб бериши керак.

Санжар Хўжаахмедов,
«Norma» МЧЖ бош эксперти.



Ишига нолойиқ бўлиб қолганда қандай қилиб ишдан бўшатиш мумкин

Замонавий шароитда ўз малакасини мунтазам оширувчи юқори малакали мутахассислар талаб этилади. Ходимнинг бажараётган ишига (эгаллаб турган лавозимига) нолойиқ бўлиши малакаси етарли бўлмаганлиги ва ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бўлиши мумкин.

Агар ходим у билан тузилган меҳнат шартномасига кўра, айнан бажариши шарт бўлган ишни уддалай олмаётган бўлса, у билан бўлган меҳнат муносабатларининг бекор қилинишига йўл қўйилади. Агар ходим унинг розилигисиз ишлаб чиқариш зарурати билан ёки иш тўхтаб қолганда иш берувчининг ташаббусига кўра вақтинча ўтказилган ишни уддалай олмаётган бўлса, у билан бўлган меҳнат шартномасининг ишига нолойиқлиги бўйича бекор қилинишига йўл қўйилмайди, чунки ходим ўтказилган иш ўрни меҳнат шартномасида кўрсатилмаган.

Одатда, ходимнинг нолойиқлиги нафақат аттестация, балки аниқ фактлар билан тасдиқланиши лозим. Улар ходим ҳақиқатан ҳам топширилган ишни уддалай олмаётганлигини гувоҳлантириши керак. Булар текширув актлари, бевосита раҳбарлик қилувчисининг билдириш

хати, ҳисоботлар, ишнинг паст сифатлилигини, яроқсиз маҳсулот чиқараётганини, иш ҳажмини ҳамда ишлаб чиқариш нормасини бажармаётганлигини ва ҳоказоларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Аттестация комиссиясининг хулосаси ходимнинг малакаси етарли эмаслигини тасдиқловчи далиллардан бири бўлиб, у иш юзасидан барча далиллар йиғиндиси асосида суд томонидан баҳоланади (ОСнинг 17.04.1998 йилдаги 12-сон қарори 28-банди).

Ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқлигини тасдиқлаш учун тиббий хулоса ҳам бўлиши зарур. Ходимнинг тиббий хулоса билан тасдиқланган соғлиғининг ёмонлашиши, шу жумладан ногиронлигининг белгиланиши, агар ходим топширилган ишни уддалай олаётган бўлса, уни МКнинг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига кўра

ишдан бўшатиш учун етарли сабаб бўлиб хизмат қила олмайди. Ушбу ишни бажаришига тиббий хулоса билан қарши кўрсатмалар берилган ёки меҳнат жамоаси ёхуд у хизмат кўрсатадиган фуқаролар учун хавфли бўлган тақдирдагина ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра нолойиқ бўлиб қолганлиги сабабли (бажараётган ишни уддалай олиши ёки уддалай олмаглигидан қатъи назар) меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилади.

Яна бир жиҳат мавжуд. Меҳнат шартномаси МКнинг 100-моддаси 2-қисми 2-банди асосида бекор қилинаётганда иш берувчи ходимни шу корхонанинг ўзида ишга жойлаштириш чораларини кўришга мажбур.

Ходим бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши сабабли (МКнинг 100-моддаси 2-қисми 2-банди) меҳнат шартномаси бекор қилиниши билан боғлиқ меҳнат низолари қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда суд томонидан кўриб чиқилади (МКнинг 270-моддаси).

Агар меҳнат низоосини кўриш жараёнида иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси юқорида қайд этилган асосларга кўра бекор қилинаётганда, ходимни шу корхонага ишга жойлаштириш имконияти бўла туриб, бундай чора кўрилмагани тасдиқланса, суд меҳнат шартномасини бекор қилишни гайриқонуний деб топиб, ходимни аввалги ишига (лавозимига) тиклайди (ОСнинг 12-сон қарори 42-банди).

Меҳнат шартлари ва уларни ўзгартириш сабаблари

Меҳнат кодексининг 93, 94 ва 95-моддалари вақтинча бошқа ишга ўтказишга махсус бағишланган. Бошқа ишга ўтказиш муддати тугагач, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт.

Умумий қоидага кўра (МКнинг 92, 93-моддалари) фақат ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича вақтинча бошқа ишга ва бошқа доимий ишга ўтказишга йўл қўйилади. Вақтинча бўлмаган ходим ишга чиққунча унинг ўрнини босиш учун — ходимнинг ташаббуси билан (МКнинг 94-моддаси), шунингдек иш берувчининг ташаббуси билан (МКнинг 95-моддаси) ўтказишда.

Меҳнат кодексига умумий қоидадан бир қатор истиснолар назарда тутилган. Бунда уларнинг айримлари фақат ходимнинг манфаатларини, бошқалари эса иш берувчининг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Томонлар меҳнат шартномасини тузиш чоғида келишиб олган шартларни ўзгартиришни

талаб қилишга ҳақли бўлган ходимларга қуйидагилар қиради:

- ишловчи ҳомиладор аёллар;
- ишлаб туриб болаларни парваришловчи ходимлар;
- ишлаб туриб таълим муассасаларида ўқувчи ходимлар;
- ишловчи ногиронлар;
- меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ёки бошқа норматив ҳужжатлар билан у ёки бу имтиёзлар белгиланган бошқа тоифадаги ходимлар.

Масалан, ходимга ногиронлик (камида II гуруҳдаги) белгиланган кундан бошлаб иш берувчи у билан илгари келишилган меҳнат шартларини ўзгартириши ва унга қуйидагиларни белгилаши шарт:

қисқартирилган иш ҳафтаси — меҳнат ҳақини камайтирмаган ҳолда 36 соатдан ортиқ эмас;

йиллик узайтирилган таътил — камида 30 календарь кун (МКнинг 220-моддаси);

хизмат сафарига юборишдан, тунги ишларга жалб этишдан озод қилиш ва ҳ.к.

Ўз навбатида иш берувчи зарурат туғилганда ходим билан тузилган меҳнат шартномаси шартларини унинг розилигисиз ўзгартиришга ҳақли. Бундай ўзгартиришларни фақат қонунда қатъий белгиланган тартибда киритиш мумкин.

Чунончи, иш берувчи мазкур корхонада технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарганлиги шундай заруратни туғдирган бўлса, меҳнат шартларини ўзгартиришга ҳақли.

Бу ҳолда иш берувчи у билан илгари келишил-



ган меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ҳар бир ходимни шахсан ёзма равишда огоҳлантириб, тилхат олиши шарт. Бунда ходимларни янги меҳнат шартлари жорий этилишидан камида 2 ой олдин огоҳлантириш лозим (МКнинг 89-моддаси).

Агар ходим иш берувчи таклиф этган янги шартларда ишлашни давом эттиришни рад этмаса, тегишли ариза бериб, иш берувчини бу ҳақда хабардор қилиши зарур.

Ходим огоҳлантирилган кундан бошлаб 2 ой ўтгач янги меҳнат шартларида ишлашдан бош тортган бўлса, унга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланган ҳолда у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин (МКнинг 109-моддаси).

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин (МКнинг 102-моддаси 2-қисми).

Реклама

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

НОРМА

электрон маълумотнома тизимини
ЎЗБЕК ТИЛИДА
таълим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани,
Галимжон кўча, 1/1.

Тел: (71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Чет эллик ходимни ишга қабул қилишга доир талаблар

Қозоғистон фуқароси паспортига эга бўлган жисмоний шахс бир неча йилдан бери ҳар ярим йилда Тошкентдаги вақтинча пропискасини узайтиради, яшаш гувоҳномасига эга эмас. Хорижий ишчи кучини жалб этишга рухсатномасиз (иш берувчи учун) ва меҳнат фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқи тасдиқномасиз (ходим учун) бундай ходимни 3 ойга ишга қабул қилишга ҳақлимизми?

– Чет эл фуқароси тегишли рухсатномаларни олиши зарур.

Чет эл фуқароси – бирон бир чет эл давлат фуқаросининг юридик мақомига эга бўлган шахс (ЖКнинг Махсус қисми 8-бўлими).

Меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонга келувчи хорижий фуқаро иш берувчи томонидан олинган рухсатнома асосида унинг номига берилган меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномаси бўлгандагина республика ҳудудида ишлаши мумкин (Низомнинг 3-банди, ВМнинг 19.10.1995 йилдаги 408-сон қарорига 2-илова).



Тегишинча, Қозоғистон Республикаси фуқаросини кўрсатилган ҳужжатлар мавжуд бўлгандагина Ўзбекистонда ишга қабул қилиш мумкин.

Александр Лобанов,
«Norma» МЧЖ бош эксперти.

Муайян ҳолатлар сабабли ишдан бўшатиш

Қандай ҳолларда ходимнинг жазога маҳкум этилиши у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлади?

– Суднинг ҳукми унга асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос ҳисобланмайди. Фақат зарур шартлар мавжуд бўлганда уни асосли деб ҳисоблаш лозим. Яъни:

➤ ходимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, башарти бунинг натижасида ходим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса;

➤ ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўлланган тақдирда.

Фақат шундан кейингина иш берувчи ушбу ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида тегишли буйруқ чиқаришга ҳақли (МКнинг 106-моддаси 3-банди).

Абдусалом Рисқуллаев,
«Norma» МЧЖ бош эксперти.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

ORMA

«КИЧИК ҚОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробот тумани, Таълимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

НОРМАТИВ ЛОЙИҲА



Мақбул келадиган ишнинг «транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлиги» нимани англатади

Янги қонун лойиҳасида ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун иш ҳақидаги таклифнинг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлиги тушунчасига аниқлик киритиш таклиф этилган.

Давлат ишсиз қолган ва меҳнат фаолиятини тиклашга уринувчи фуқароларга ёрдам қўлини чўзади. Хусусан, маҳаллий меҳнат органларида («меҳнат биржаси») рўйхатга олинганлар учун ишга жойлашиш вариантларини излаб, таклиф этадилар.

Бироқ қонунга кўра бундай ҳолларда фақат мақбул келадиган ишни таклиф этиш мумкин. Яъни таклиф касб тайёргарлигига мос бўлиши, ёшини, соғлиғи ҳолатини, меҳнат стажини ва тажрибасини инобатга олиши, янги иш жойи эса транспортда қатнаш жиҳатидан қулай бўлиши лозим. Амалиётда сўнгги мезон (транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлик) юзасидан кўп саволлар юзага келади.

Амалдаги тахрирдаги МКнинг 63-моддаси ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигини (йўл қўйилиши мумкин бўлган узоклиқни) мазкур жойда жамоат транспорти тармоғининг ривожланганлигини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органи аниқлайди.

Бундай формулировка ҳокимликлар таклиф этилган ҳар бир ишни транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлик мезонига мувофиқлиги юзасидан алоҳида баҳолашлари шартлигини (буни амалда бажариб бўлмайдилар) ёхуд тегишли жойда алоҳида қарор билан ушбу мезонга аниқлик киритишлари шарт эканлигини англатади. Масалан, бирмунча вақт аввал Тошкентдаги иш шаҳар чегарасидан 20 км радиусда яшовчи ҳамда ҳар куни вақтида ишга келиш ва ишдан кейин уйга кетиш имконига эга бўлган шахслар учун мақбул келадиган иш (транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлиги юзасидан) ҳисобланар эди.

Унинг ишга жойлашадиган шахснинг келган жойи бўйича прописка қилиниши ва рўйхатдан ўтказилиши масаласи билан боғлиқлиги янада долзарб аҳамиятга эга. Иш берувчилар боши берк кўчага кириб қолганлар: бир томондан вақтинчалик ёки доимий пропискага эга бўлмаган ёхуд рўйхатга олинмаган шахсларни ишга қабул қилиш бўйича таққ ва уни бузганлик учун жарима амал қилади, бошқа томондан эса меҳнат органлари баъзан бундай шахсларга Тошкентдаги ишга йўлланмалар берадилар.

Айни пайтда таққ Президентнинг 22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон Фармони билан бекор қилинган (гарчи МК ва МЖТҚда илгаригидек мавжуд бўлса ҳам, тахр.), бироқ мақбул келадиган ишнинг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлиги нимани англатиши тушунарсизлигига қолган.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчи (Адлия вазирлиги) иш жойи транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигининг қуйидаги иккита аломатини қонун ҳужжатларида белгилашни таклиф этмоқда:

а) аҳоли пункти чегараси доирасида жойлашганлиги (бунда у ишсиз шахснинг айнан вақтинчалик ёки доимий яшайдиган аҳоли пункти бўлиши кераклиги кўрсатилмаган, тахр.);

б) кишини доимий яшаш жойидан иш жойигача бир транспортдан бошқасига ўтирмай элтиб қўйиш имконини берадиган жамоат транспорти йўналишининг мавжудлиги.

Лойиҳа айрим бошқа ўзгартиришларни ўз ичига олган ва ўзгартирилиши, қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Газ баллонли автомобиллар ялпи хатловдан ўтказилади

Ҳукумат газ баллонлари билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, шунингдек, табиий газда ишлайдиган марказлаштирилган қозонхоналардан бехатар фойдаланишга доир шошилиш чора-тадбирларни қабул қилди (ВМнинг 19.09.2018 йилдаги 745-сон қарори).

Хужжатда қайд этилишича, мамлакатимизда автотранспорт воситаларининг 50%дан ортиғида муқобил ёқилғи сифатида сиқилган табиий газдан фойдаланилмоқда. Баллонларни тўлдиришда, бириккан жойлар зичлиги ва ишончилигини даврий синовдан ўтказишда, шунингдек, жисмонан ва маънан эскирган баллонлардан фойдаланиш оқибатида белгиланган талаб ва тартибларни бузиш ҳолатлари учраб,

бу бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, 18.09.2018 йилда «Ғузор–Бухоро–Нукус» А–380 автомобиль йўлининг 201-километрида автобусдаги газ баллони портлаганда 5 киши ҳалок бўлган, 21 киши жароҳатланган.

Шу сабабли юқори хавф манбаларини ялпи хатловдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бунинг учун маҳсус республика ва ҳудудий комиссиялар ташкил этилди.

Куйида хатловдан ўтказиш тартиби ва муддатлари кўрсатилган:

Усқунанинг тури	Хатловдан ўтказиш муддатлари	Хатловдан ўтказиш жойи	Хатловдан ўтказиш натижаси
Мулкчилик шаклидан қатъи назар, йўловчиларни ташиш учун мулкжалланган автобуслар, микроавтобуслар ва енгил автотранспорт воситалари (таксилар)	2018 йил 1 декабргача	ЎзР ИИВнинг ЙХХББ ва вилоят ЙХХБ томонидан белгиланган жойларда, ш.ж. «Уёстандарт» томонидан аккредитацияланган сервис марказларида	Худудий комиссия далолатнома тузади ва ЎзР ИИВнинг тегишли ЙХХБга беради
Жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситалари	Техник кўрикни ўтказишнинг белгиланган муддатларида (ВМнинг 31.03.2003 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомининг 5-банди)		
Ташкилотларнинг махсус техникаси			
Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станциялари	2018 йил 15 ноябргача	Станция жойлашган жойда	Худудий комиссия далолатнома тузади ва уни станцияларнинг лицензияларини тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлган «Ўздавнефтегазинспекция» ДИга тақдим этади
Марказлаштирилган қозонхоналар	2018 йил 1 ноябргача	Қозонхона жойлашган жойда	Худудий комиссия далолатнома тузади ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш учун УЎХ вазирлигига тақдим этади

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 21.09.2018 йилдан кучга кирди.

Далил-исботлар учун пул билан рағбатлантириш

2019 йил 1 июлдан ЙХҚ бузилиши қайд этилган видеоёзувлар учун ЭКИХнинг 5%и тўлана бошлайди. Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди (20.09.2018 йилдаги 747-сон) шу назарда тутилган.

Кўрсатилган санадан бошлаб видеорегистраторлар орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни тўпловчи марказлаштирилган тизим ишга туширилади. Жисмоний ва юридик шахслар jarima.uz сайти орқали бундай далилларни юбора оладилар. Бунда жамоат транспорти ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи қорхоналар учун видеорегистраторлар ўрнатиш мажбурий бўлади.

Бу – муҳим! Тақдим этилган материаллар махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари қайд этилган видеоёзувларга тенглаштирилади. МЖТКнинг 17-1, 283, 291, 309-1-моддаларига мувофиқ, улар орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юртиш куйидаги хусусиятларга эга бўлади:

ДИХХХ маъмурий амалиёт инспекторлари томонидан 3 иш куни мобайнида қарорлар қабул қилинади. Бунда видеоёзувлар ва аризалар куйидаги талабларга мувофиқ келиши текширилади:

Видеоёзувларга қўйиладиган талаблар	Аризаларга қўйиладиган талаблар
Содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолати, транспорт воситасининг русуми ва давлат рақами белгиси, ҳуқуқбузарлик содир этилган сана ва вақт аниқ акс эттирилиши лозим; видеоёзувга ҳар қандай тарзда ўзгартиришлар киритиш тақиқланади, бевосита ҳуқуқбузарлик ҳолати акс эттирилган қисмини кесиб олиш бундан мустасно (қоида тарқасида, видеоёзувнинг давомийлиги 120 секунддан ошмаслиги лозим).	Куйидагилар тўлиқ кўрсатилиши лозим: фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш манзили, юридик шахсининг номи, жойлашган жойи (почта манзили), банк ҳисоб рақами (видеоёзув юридик шахс вакили номидан юборилганда); уяли телефон рақами ёки банк пластик картаси рақами ва электрон манзили; ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, сана ва вақт.

Ҳуқуқбузарлик ҳолати ҳақида хабар берган шахсга уни кўриб чиқиш натижаси юзасидан 15 кун муддат ичида жавоб юборилади.

Бунда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 16 та моддаси

бўйича видеорегистраторлар асосида жарима солинмайди:

125-модда «Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини (шу жумладан хавфсизлик қамарларидан фойдаланиш қоидаларини) бузиш»;

Камера нигоҳи остидасиз

Камералар ёрдамида 7 хилдаги қоидабузарликлар қайд этилади. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ Компьютер маркази маълум қилди.

Айни вақтга қадар камералар орқали фақат «қизил чироқ»да ўтиш ва тезликни ошириш ҳолатлари қайд этилаётган эди. Эслатиб ўтамиз, мазкур ҳолатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилмайди, талонга белги қўйилмайди (МЖТКнинг 283-моддаси; АВ томонидан 5.07.2011 йилда 2240-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқ-номанинг 72-банди). Бундан ташқари, агар жарима тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинмаган тақдирда, такрор содир этилган қоидабузарлик ҳисобга олинмас эди.

Камералар орқали қайд этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг кенгайтирилган рўйхатига куйидагилар киритилди:

➤ транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши (МЖТКнинг 128-1-моддаси 1-қисмига бўйича жарима – 2 ЭКИХ);


➤ транспорт воситаларини бошқаришда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя этилмаслиги (МЖТКнинг 125-моддаси 1-қисми бўйича жарима – 1/5 ЭКИХ);

➤ тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиш (МЖТКнинг 128-6-моддаси 1-қисми бўйича жарима – 3 ЭКИХ);

➤ йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳолда чиқиш (МЖТКнинг 128-5-моддаси 2-қисми бўйича жарима – 10 ЭКИХ);

➤ транспорт воситаларини пиёдалар йўлқаларидан юргизиш (МЖТКнинг 128-моддаси 1-қисми бўйича жарима – 1/2 ЭКИХ).

Юқорида санаб ўтилган далиллар ЙХХБ Марказий диспетчерлик хизмати операторлари томонидан қайд этилади. Шу боис қоидабузарликлар аниқланганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади ва қоидабузарнинг манзилига юборилади. Бу қизил чироқда ўтиш ва тезликни ошириш ҳолатлари-



дан фарқли ўлароқ, такроран содир этилган бундай ҳуқуқбузарликлар ҳисобга олинмишини, жарималар эса ошиб боришини аниқлатади.

2017 йилнинг март ойида жорий этилган қоидабузарликларни автоқайд этиш ва видеокузатув тизими пойтахтдаги 115 та чорраҳани қамраб олган. Бу ишлар кенгайтирилиб, яна 280 та чорраҳани қамраб олиш режалаштирилмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



125-1-модда «Юк ташиш қоидаларини, шатакка олиш қоидаларини бузиш»;

126-модда «Кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойнали, шунингдек теваракатрофни кўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш»;

127-модда «Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа қурилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш қоидаларини бузиш»;

128-2-модда «Транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш»;

128-3-модда «Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориш»;

131-модда «Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш»;

135-модда «Йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши»;

135-1-модда «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузиш»;

136-модда «Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши»;

138-модда «Пиедалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши»;

139-модда «Носоз транспорт воситаларини йўлга чиқариш ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш»;

140-модда «Маст ҳолдаги ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш»;

141-модда «Транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадидан фойдаланиш»;

176-3-модда «Автомобиль транспортда йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шугулланиш»;

194-модда «Милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик».

Ҳар битта хабар учун уни юборган шахслар ўндирилган жарима ҳисобидан ЭКИХнинг 5%и миқдоридagi пул мукофоти билан рағбатлантирилади. Фуқаронинг уяли телефон рақами ҳисобига ёки пластик картасига ИИБнинг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобрақамига ўтказилган маблағлар ҳисобидан автоматик тарзда пул ўтказилади. Бунда унинг шахси сир сақланади.

Бошқа (жарима билан боғлиқ бўлмаган) маъмурий жазо чораси қўлланган бўлса, хабар юборган шахслар Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомда (ВМнинг 8.01.2018 йилдаги 15-сон қарори билан тасдиқланган) назарда тутилган тартибда рағбатлантирилади. Бунда ҳам улар ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда пул маблағлари билан рағбатлантирилиши мумкин.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.09.2018 йилдан кучга кирди. Низом 1.07.2019 йилдан кучга киради.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Автовокзаллар – эътибор зонасида

«Ўзавтовокзал сервис» ДУК ташкил этилди. Корхона Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги 15 та давлат автовокзаллари ва автостанцияларини бошқаради. Бу Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат автовокзаллари ва автостанцияларини бошқариш самарадорлигини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан (10.09.2018 йилдаги 712-сон) келиб чиқади.

«Ўзавтовокзал сервис» ДУК «Тошкент вилояти автовокзаллари ва йўловчилар автостанциялари бош ишлаб чиқариш корхонаси» ДУКни қайта номлаган ҳолда ташкил этилди. Ўзбекистон автомобиль транспорт агентлиги корхонанинг муассиси бўлди.

ДУКга Қорақалпоғистон ва бошқа вилоятларда филиаллар ташкил этиш ҳуқуқи берилди.

Юқорида айтилганларга қараганда, ушбу корхона нафақат ўзига берилган

автовокзаллар ва автостанцияларни бошқаради, балки мамлакатимизнинг бутун ҳудуди бўйича йўловчилар инфратузилмасини ривожлантириш учун янгиларини барпо этади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 12.09.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Гаевой.

НОРМАТИВ ЛОЙИХА

Йўлларда велосипедчилар учун махсус йўлкалар барпо этилади

2019–2020 йилларда мамлакатимиз минтақаларида велосипед йўлкалари тармоғини қуриш режалаштирилмоқда. Ҳужжат лойиҳаси ҚХТБТ порталида муҳокама қилинмоқда.

Қуйидагиларни ўз ичига олувчи 2019–2020 йиллардаги Чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш кўзланмоқда:

➤ минтақавий аҳамиятга молик умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларининг чегараларида қурилишини назарда тутувчи велосипед йўлкаларини қуришнинг манзилли рўйхати;

➤ боғлар, истироҳат боғларида велосипед йўлкаларини қуришнинг манзилли рўйхати.

Бундан ташқари, минтақалар ҳудудига киришни таъминловчи минтақавий аҳамиятга молик умумий фойдаланиладиган магистрал автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш учун топшириқларни тайёрлаш чоғида бундан бўён белгиланган тартибда ушбу йўлларнинг ажратилган минтақа доирасида велосипед йўлкалари қурилишини назарда тутиш тақлиф этилмоқда.

Кўзланган режаларни амалга оширишни Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари топшириш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллий велосипедлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш кўзланган. Хусусан, Тошкент вилоятининг Қўйичирчиқ туманида велосипед ишлаб чиқарувчи «Ya Mei Gong Ye Yuan» МЧЖ ХКни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Лойиҳа рад этилиши, ўзгартирилиши ёки унга қўшимча киритилиши мумкин.

Олег Гаевой.

ЯНГИЛИК

Йўлдаги радарлар тунги вақтда ҳам ишлай бошлади

2018 йилнинг 25 сентябридан Тошкентда йўлларда ўрнатилган радарлар тунги вақтда ҳам ишлай бошлади, дея хабар қилади ИИББ матбуот хизмати.

Тунги радарлар – рухсат этилган ҳаракатланиш тезлиги оширилиши ҳолатларини аниқлайдиган алоқасиз техник восита. Қоидабузарликлар ҳақидаги билдириш хати ҳайдовчиларга почта орқали юборилади. Идора берган маълумотларга кўра турғун ва кўчма радарлар ҳақида сўз бормоқда.

Бу янгилик ҳайдовчиларда «Радарлардан фойдаланилаётганлиги ҳақида огоҳлантириладими?», «Огоҳлантирувчи белгилар қўйиладими?» деган саволлар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу ҳолат ИИББда қуйидагича шарҳланди: «Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ аҳоли яшайдиган жойларда транспорт воситалари тезлигини соатига 70 километрдан, айрим жойларда (тегишли йўл белгилари ўрнатилган жойларда) – соатига 50 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади». Шу тариқа, ҳар қандай ҳолатда ҳам тезлик режимида рўя қилиш керак, чунки кўчма радарлар ўрнатилган жойларда огоҳлантирувчи белгилар бўлмаслиги мумкин.

Радарлар ишга тушган биринчи тунда Амир Темури шохқўчасининг ўзида тезлик оширилган 232 ҳолат аниқланди.

Маълумот учун. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддасига мувофиқ белгиланган ҳаракат тезлигининг ошириб юборилиши ЭКИХнинг 10 баравари миқдориди жарима солинишига ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 2 йилгача муддатга маҳрум этилишига олиб келади (жазо чораси тезлик қанчага оширилганлигига ва ҳуқуқбузарлик такрорланишига қараб белгиланади).

Она ўғлининг қарзини тўламайди

Давлат ижроچиси оила аъзоларидан ҳукм қилинган шахс учун жарима тўлашни талаб қилмоқда. Агар 10 кунлик муддатда жарима тўланмаса, ижрочи жарима тариқасидаги жазони жазонинг бошқа тури (бу ҳолда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо муддатини узайтириш) билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимнома билан судга мурожаат қилади.

Давлат ижрочиси ҳукм қилинган шахснинг оила аъзоларидан унга тайинланган жарима суммасини сўндиришни талаб қилишга ҳақлими?

– Йўқ, ҳақли эмас.

Жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади (ЖКнинг 54-моддаси).

Судлар ўзлари қабул қиладиган суд ҳужжатлари асосида берадиган ижро варақалари ижро ҳужжатлари ҳисобланади («Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси 1-банди).

Ижро ҳужжатида ундирувчи ва қарз-

дорнинг номи, уларнинг манзиллари; жисмоний шахслар учун – қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, иш жойи ҳам кўрсатилиши лозим (Қонуннинг 8-моддаси 4-банди).

Ижро ҳужжатида назарда тутилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ундирувчига бериш ёхуд муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбурияти зиммасига юклатилган шахс қарздор ҳисобланади (Қонуннинг 9-моддаси 3-қисми).

Юқорида баён этилган қонун нормаларига таянганда, суднинг ҳал қилув қарори билан ҳукм қилинган шахс деб топилган, жарима тариқасида жазо олган ва ижро ҳужжатида қарздор сифатида кўрсатилган шахс жаримани сўндириши керак.

Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк

мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, ҳудди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд ижроچиси жарима тариқасидаги жазони жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимнома билан судга 10 кунлик муддат ичида мурожаат қилади (Қонуннинг 32-1-моддаси).

Истеъмолчи танлайди

Бундан буён аҳолига газ ҳисоблагичларини газ ётказиб берувчилар «Ўзтрансгаз» АЖ маблағлари ҳисобига ўрнатишини Интернетдан ўқиб қолдим. Яқинда сотиб олинган квартирага уларнинг ҳисобига ҳисоблагич ўрнатилишини сўраб тумангаз идорасига мурожаат қилдим. Бироқ ваколатли ходимлар Президентнинг ПҚ-3384-сон ва ПҚ-3060-сон қарорларига ҳавола қилиб, бу илтимосимни рад этдилар.

Тумангаз ходимлари бундай хатти-ҳаракат қилишлари тўғрими?

– Илгари Президентнинг «Газ таъминоти тизимида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (20.04.2017 йилдаги ПҚ-2907-сон) билан маиший истеъмолчиларга табиий газни ҳисоблаш замонавий электрон ускуналарини харид қилиш, ўрнатиш ва кейинчалик хизмат кўрсатиш «Ўзтрансгаз» АКнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши назарда тутилган эди.

Бироқ кўрсатилган қарор ўз кучини йўқотди (13.11.2017 йилдаги ПҚ-3384-сон қарорнинг 18-банди).

Бунда маиший истеъмолчилар-

га табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш замонавий ускуналарини харид қилиш, ўрнатиш, рўйхатдан ўтказиш, даврий давлат киёслови ва пломбалаш ҳудудий газ таъминоти ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини белгилловчи норма сақланиб қолди (ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сон қарори 2-банди).

Шу билан бирга маиший истеъмолчи газ истеъмолини ҳисобга олувчи ускуна ўрнатмай, балки белгиланган меъёрлар доирасида унинг истеъмоли учун ҳақ тўлашга ҳақли (Қоидаларнинг 92-банди, ВМнинг 12.01.2018 йилдаги 22-сон қарорига 2-илова).

8 ва 14 яшар болалар онасиз қолиб, оталари билан яшайптилар. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси расмийлаштирилган. Биринчи навбатдаги ворислардан хотинининг онаси (пенсияер, вафот этган қизининг боқувиди бўлмаган) ва вояга етмаган болалари бор. Вафот этган аёл болаларнинг отаси билан ажрашган эди.

Вафот этган аёлнинг болалари жамғариб бориладиган пенсия тўловларини мерос сифатида олишга ҳақлими? Агар ҳақли бўлса, уларни олиш тартиб-таомилини тушунтирсангиз.

Ворис бўлишга ҳақли

– Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади («Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси).

Ворислик масалалари Фуқаролик кодексининг V бўлими билан тартибга солинган.

Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улуш-

ларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар (ФКнинг 1135-моддаси).

Ворислар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомида (ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарорига 3-илова) белгиланган тартибда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилгандан кейин олишлари мумкин.

Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ бош эксперти.

Реклама

ORMA «КОРХОНА ЮРИСТИ»
электрон маълумотнома тизимини
ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

ORMA «СОЛИКЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»
Ўзбек тилидаги қўлланмасининг тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Иқтисодий-ҳуқуқий газета НОРМА МАСЛАХАТЧИ ХУҚУҚ СОЛИКЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.	Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ Нашр учун масъул – бош муҳаррир Ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ	Адабий муҳаррир Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА	ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, Тахририят тел. (71) 200-00-90 Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30 E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz	Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; Рекламани жойлаштириш бўйича (71) 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.
---	--	---	--	--

Газета нашр – «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида термиди ва спонсорланган.
Нашр қўрилган – 186. Ҳар бир бичма – А3. Ҳажми – 2 бошма табоқ. Басма нусхаларнинг нарди.
Буторма 429. Адаби 810. Газета 2018 йил 15 октябрь, соат 17.00 да топширилди.